

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАМБЕРГЕНОВА ГУЛЖАХАН АЙТБАЕВНА

**И.ЮСУПОВ АСАРЛАРИДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус - 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Алламбергенова Гүлжахан Айтбаевна И.Юсупов асарларида фразеологизмларнинг услубий қўлланилиши.....	3
Алламбергенова Гүлжахан Айтбаевна Стилистическое использование фразеологизмов в произведениях И.Юсупова.....	23
Allamberganova Guljahan Aytbaevna Methodological use of phraseologies in I. Yussupov's works.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	47

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАМБЕРГЕНОВА ГУЛЖАХАН АЙТБАЕВНА

**И.ЮСУПОВ АСАРЛАРИДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil329 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдиназимов Шамшетдин Нажимович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Юлдош Маткаримович
филология фанлари доктори

Альниязов Айтмурат Исмаилович
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
инститuti

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc 27.06.2017.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «18» декабрь кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz.)

Докторлик диссертацияси билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (27 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел: (99861)223-59-25.

Диссертация автореферати 2019 йил «2» декабрь кuni тарқатилди.
(2019 йил «2» декабрь даги 16 рақамли реестр баённомаси).



К.А.Алламбергенов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси в.в.б., филол.ф.д., профессор

Г.Е.Карлыбаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.д. (DSc)

Қ.Қ.Жаримбетов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослиги тараққиётида илмий парадигмани тилнинг ички қонуниятлари ва структураси доирасида ўрганиш тамойилининг такомиллаштирилиши ҳамда тилни жонли сўзлашув, коммуникация жараёни ва матний контекст таҳлили асосида тадқиқ қилишдан иборат антропоцентрик йўналишнинг устуворлик қилиши муҳим аҳамият касб этди. Зеро, бадиий сўз устасининг дунёни билиши, сезиши ва идрок қилиши натижасида юзага келган поэтик контекстда халқнинг ўзига хос миллий хусусияти ва менталитети бевосита тил орқали акс эттирилади. Шунинг учун ҳам муаллиф ёзма нутқий фаолиятининг ҳосиласи ҳисобланган поэтик матнларда дунё манзарасини тасвирлашнинг ўзига хос миллий бадиий-эстетик қонуниятларини очиб бериш ҳозирги замон лингвистикасининг асосий йўналиши – антропоцентрик назарияга асосланган тадқиқотларнинг етакчи тамойилларидан бирига айланди.

Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида бадиий асар тили миллий адабий тилнинг алоҳида бир кўринишигина эмас, балки унинг тадқиқот тамойилларини белгиловчи омиллардан бири сифатида тадқиқ қилинмоқда. Шунинг учун бадиий асар тилининг услубий хусусиятлари ва ўзига хос лингвопоэтик жиҳатларини ҳар томонлама ўрганиш катта аҳамият касб этади. Фразеологизм – тилнинг бадиий образли, кучли экспрессив таъсирчанликка ва маъно ўткирлигига эга бўлган бебаҳо бойлиги. Шу боис, шоир ва ёзувчилар, таниқли сўз усталари ўз асарларида фразеологик бирикмалардан моҳирона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишади.

Мустақилликка эришиш ва тилимизга давлат тили мақоми берилиши билан қорақалпоқ тилининг функционал-стилистик имкониятлари янада кенгайди. Қорақалпоқ халқининг адабиёти, маданияти ва тарихида алоҳида ўрин эгаллаган ижодкорлар, шу жумладан, И.Юсупов асарлари бугунги кунда ҳам ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шунинг эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 апрелдаги ПП-2873-сонли қарори билан И.Юсупов номидаги Республика давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати ташкил қилинди. Бу эса «бугунги кунда эркин фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарни эгаллаган, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш»га¹ алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради. Зеро, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов асарларида қорақалпоқ тилининг бадиий жозибадорлигини ифодаловчи фразеологизмларнинг қўлланилиши ўзига хос хусусиятга эга. Бу масалани илмий тадқиқ қилиш қорақалпоқ тилшунослигидаги энг долзарб масалалар сирасига киради.

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.17.

Шоир асарлари тилини ўрганиш – унинг ижодий меросини тадқиқ қилиш билан боғлиқ катта қизиқиш уйғотадиган ва мураккаб масалалардан бири. Шоир асарлари тили чуқур мушоҳадани аниқ ва айнан бадиий образли тасвирлаши, бир жиҳатдан, оддийлиги, иккинчи томондан, мураккаблиги билан ажралиб туради. Муаллифнинг дунёқарашини акс эттиришда муҳим ўрин тутадиган ва қорақалпоқ халқининг миллий ўзига хослигини акс эттирадиган турғун сўз бирикмаларини ўрганиш катта аҳамиятга эга. И.Юсупов ижодиётида фразеологик birlikларнинг услубий қўлланилиши бугунги кунгача махсус тадқиқ қилинмаган ва бу танланган мавзунинг долзарблигини исботлайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги қонуни (1995), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолиятини, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб ўқиш ва китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ-1271-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тили тўғрисида»ги қонунни амалга оширишга қаратилган давлат дастурига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сонли қарори ҳамда ушбу фаолиятга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Масаланинг ўрганилиш даражаси. Луғат таркибидаги фразеологизмлар, уларнинг таснифи, бадиий асарда услубий қўлланилиши масалалари хорижий тилшуносликда А.А.Потебня, Ф.Ф.Фортунатов, А.А.Шахматов, Ш.Балли, В.В.Виноградов, В.Л.Архангельский, Ж.Н.Амосова, Д.Н.Шмелев, А.В.Кунин, Н.М.Шанский ва бошқалар, туркий филологияда – С.Кенгесбаев, Ш.Раҳматуллаев, С.Н.Муратов, Г.Х.Ахунзянов, Б.Йўлдошев, А.Маматов, қорақалпоқ тилшунослигида – Е.Бердимуратов, Т.С.Науризбаева, Ж.Ешбаев, Г.Айназарова, Ш.Абдиназимов, Г.Қарлибаева ва бошқа олимларнинг ишларида кўриб чиқилган. Шундай бўлса-да, қорақалпоқ тилшунослигида бадиий асар тилидаги фразеологизмлар бугунги кунгача махсус ўрганилмаган. Шу боис, бадиий асар тилида фразеологизмларнинг услубий қўлланилиш хусусиятларини ўрганиш энг муҳим масалалардан биридир.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқотлар режасининг «Қорақалпоқ тили лексикологияси», «Қорақалпоқ тили фразеологияси», «Ҳозирги филология фанининг муҳим масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқотлар режаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади таниқли шоир И.Юсупов асарларидаги фразеологизмларнинг лексик-семантик хусусиятлари ва стилистик функцияларини аниқлаш асосида қорақалпоқ тили бадиий матнларининг лингвопоэтик табиатини белгиловчи етакчи тамойилларни ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, қуйидагича белгиланди:

тилшуносликда турғун бирикмалар бўйича амалга оширилган ишлар, олимларнинг фикрлари, уларнинг ўзига хослигини кўрсатиб бериш;

шоир асарларида ишлатилган нутқий ва китобий фраземалар маъносини шеърий матнлар асосида изоҳлаш;

шоир асарларидаги кўп маъноли фраземалар, синонимлик фраземалар, антонимлик фраземалар ва омонимлик фраземаларни аниқлаш, фраземалардаги вариантлик ва соматик фраземаларни гуруҳларга ажратиш, уларнинг фарқини ойдинлаштириш;

шоир асарларидаги фразеологик birlikларнинг семантик ўзгаришга учраши ва унинг услубий хусусиятларини ёритиш;

фраземаларнинг узул услубий-аташ, нутқни ихчамлаштириш, баҳо бериш, тушинчани образли аташ, психологик ҳолатни ифодалаш, эмоционал ҳолатни бериш ва экспрессив таъсир этиш хизматларини аниқлаш;

шоир асарларида қўлланган фраземаларнинг окказионал услубий функцияларини бир неча гуруҳларга ажратиш тадқиқ қилиш;

шоирнинг индивидуал услубига хос фразеологик birlikларни аниқлаб, тадқиқот бўйича илмий хулоса ва таклифлар бериш.

Тадқиқотнинг объекти. Диссертациянинг асосий объекти сифатида – И.Юсуповнинг «Жолдас муғаллим», «Дала эрманлари», «Тумарис», «Эжинияз», «Бўлбил уяси», «Мәмелек ой», «Актрисаның ығбалы» поэмалари билан бирга: «Бахыт лирикасы» (1955), «Күншығыс жолаўшысына» (1959), «Кеўил-кеўилден суў ишер» (1971), «Йош» (1977), «Аласатлы дўнья бул» (1987), «Дузлы самаллар» (1988), «Үмит жағасы» (1990), «Беглигинди бузба сен» (1995), «Өмир саған ашықпан» (1999), «Хәр кимниң өз заманы бар» (2004) номли поэтик тўпламлари ва Сайланма асарлари (I, II, III жилдлари, 2018) танланиб, асосий манба сифатида фойдаланилди.

Диссертант томонидан 1000 дан ортиқ турғун сўз бирикмалари аниқланган.

Тадқиқотнинг предмети. Шоир асарлари тилидаги фразеологизмлар, кўп маъноли фраземалар, синонимлик, антонимлик, омонимлик фраземалар, фраземалардаги вариантлик, сўзлашув тили фраземалари ва китобий

фраземалар, фраземаларнинг узуал ва окказионал функционал-услубий вазибаларда қўлланилиши тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда белгиланган мақсад ва вазибаларга мувофиқ мавзунини ёритишда компонент таҳлил, қиёсий-типологик, бадиий-эстетик, қиёсий тасвирлаш ва фикрларни хулосалаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ тилшунослигида биринчи марта И.Юсупов асарлари тилининг лингвопоэтик таҳлили асосида фразеологик бирликларнинг бадиий матндаги семантик-стилистик вазибалари ижодкорнинг ўзига хос поэтик маҳорати ва услубини ифодалашдан иборатлиги аниқланган;

шоир асарлари тилидаги кўп маъноли, синоним, антоним, омоним ва соматик фраземалар ҳамда фраземалардаги вариантлик ҳодисасининг тадқиқи натижасида ижодкор поэтик нутқида халқ тилига хос турғун бирикмаларнинг қўлланилиши устуворлик қилиши исботланган;

И.Юсупов асарларидаги турғун бирикмаларнинг лингвопоэтик таҳлили асосида қорақалпоқ шеърининг поэтик контекстидаги фраземалар услубий-аташ, нутқини ихчамлаштириш, тушунчани образли аташ, баҳо бериш, психологик ҳолатни ифодалаш, эмоционал ва экспрессив функцияларни бажариши далилланган;

фраземаларнинг окказионал услубий хоссалари шеърининг матнда сатира, юмор ва градация ҳосил қилиш, персонажлар нутқининг ўзига хослигини кўрсатиш, шеър мавзусини белгилаш ҳамда шоирнинг ғоявий-бадиий ниятини акс эттиришдан иборатлиги асосланган;

шоирнинг фразеологик бирликлардан фойдаланишдаги ўзига хос новаторлиги фраземаларни қўллаш жараёнида турғун бирикмаларнинг маъно қамровини нутқини бойитиш ва образли метафорик контекст яратишда намоён бўлиши кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

И.Юсуповнинг ўз асарларида халқимизнинг бой лингвомаданий хазинаси ҳисобланган фразеологизмлардан моҳирлик билан фойдаланиб, бадиийликни кучайтирганлиги ва эмоционал-экспрессивликка эга, таъсирчан ва бетакрор образлар яратганлиги аниқланган;

шоир асарларида ишлатилган нутқий ва китобий фраземалар ўрганилиб, уларга халқ оғзаки ижоди ва бадиий сўз услублари қаламига мансуб шеър мисралари – афоризмлар киритилганлиги, мисоллар асосида далилланган;

шоир асарларининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари аниқланиб, улардан кўп маъноли фраземалар, синонимлик, антонимлик, омонимлик фраземалар, фраземаларда вариантлик ва соматик фраземаларга ажратилиб кўрсатилган;

тадқиқот материаллари «Ҳозирги қорақалпоқ тили лексикологияси», «Қорақалпоқ тили фразеологияси», «Қорақалпоқ тилининг стилистикаси» фанларидан махсус курсларни ўқитишда, адабий тил тарихи, лексикология ва

стилистика бўйича яратиладиган янги дарслик ва ўқув қўлланмаларни такомиллаштиришда хизмат қилиши шубҳасиз.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган усуллар, унда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли илмий ва бадий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва чиқарилган хулосалар тавсифлаш, баён қилиш, қиёсий бадий-эстетик таҳлил методлари орқали асосланганлиги, назарий фикр ва таклифларнинг амалиётда кенг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан далилланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг ишининг илмий-назарий натижалари антропоцентрик йўналишдаги тадқиқотларни шакллантириш ва ривожлантириш, тилнинг стилистик ва фразеологик масалалари юзасидан фундаментал тадқиқотлар олиб боришда, туркий халқлар тилидаги фразеологизмларни қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганишда, шунингдек, лексикология, фразеология ва стилистика соҳаларини ривожлантиришда муҳим назарий аҳамият касб этади.

Тадқиқот хулосалари ва материалларидан олий таълим муассасаларида қорақалпоқ филологияси йўналиши талабаларига «Ҳозирги қорақалпоқ тили лексикологияси», «Қорақалпоқ тили фразеологияси», «Қорақалпоқ тилининг стилистикаси» фанларидан махсус курсларни ўқитишда фойдаланилади. Шунингдек, дарслик, ўқув қўлланма, фразеологик луғатлар тузишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. И.Юсупов асарларидаги фразеологизмларнинг услубий қўлланишини ўрганиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

диссертациянинг шоир асарларида фраземаларнинг лексик-семантик ва функционал-стилистик хусусиятлари илмий-назарий умумлашмаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги лойиҳани амалга оширишда, хусусан, фраземаларни структур-семантик ўзгартириш усуллари ва функционал-стилистик қўлланиш жараёнини тадқиқ этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2018 йил 22 ноябрдаги 225/1-сон маълумотномаси). Натижада шоирнинг индивидуал фраземалар яратишдаги ўзига хос новаторлиги аниқланган;

И.Юсупов асарларида фразеологизмларнинг услубий қўлланилиши, адабий меросининг миллий ўзликни англашдаги аҳамияти ва уларни ёш авлод маънавий дунёси бойитишдаги ролига доир илмий хулосалардан «Қорақалпоғистон» телерадиокомпаниясининг 2017 йил сентябрь ва 2018 йил февраль ойларидаги «Гавҳар сўзлар» кўрсатувлари ҳамда «Адабиёт ва давр» маданий-маърифий эшиттиришида фойдаланилган (Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг 2018 йил 2 мартдаги 01-02/88-сонли маълумотномаси). Натижада шоир ижодий меросининг аҳамиятини, унинг

фразеологик бирликлардан фойдаланиш маҳоратини очиб беришда ва кенг халқ оммасининг бадиий адабиётга бўлган қизиқишини янада кучайтириш ва китобхонлик маданиятини оширишга хизмат қилган;

тадқиқот иши материалларидан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги Бердақ Миллий музейида шоир И.Юсуповнинг ҳаёти ва адабий мерослари бўйича кўргазма ташкил этишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 2-03/1885-сонли маълумотномаси). Шу орқали И.Юсупов асарларининг аҳамияти, ижодининг ўзига хослиги, поэтик асарларида қаҳрамонларнинг турли психологик ҳолатлари ёритилгани ва комил инсон тарбиясидаги роли ва аҳамияти бўйича материаллар ва тавсиялар амалиётга жорий этилган.

ҳозирги қорақалпоқ адабиётининг йирик намояндаси И.Юсупов асарларидаги ибораларнинг ўзига хос хусусиятлари ва бадиий тафаккурнинг янгилашишига доир илмий қарашлар Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг анжуманлари, давра суҳбатлари ҳамда ёш истеъдодлар маҳоратини оширишга бағишланган семинарларда баён қилинган (Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг 2018 йил 16 октябрдаги 148-сонли маълумотномаси). Натижада шоир асарларидан олинган иборалар орқали қаҳрамоннинг турли психологик ҳолатларини яратишда ва образли тасвирлашдаги бадиий маҳорати такомиллаштирилган;

диссертантнинг фразеологизмлар семантикаси, турғун сўз бирикмаларининг таркиби ва услубий вазифаларига доир илмий-назарий хулосалари умумтаълим мактабларининг 6 ва 10-синфларида ўқитиладиган «Она тил» ва «Қорақалпоқ тил ва адабиёти» фанларининг мазмун такомиллаштиришда фойдаланган (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 01-01/03-4083-сон маълумотномаси). Бу билан умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган «Она тил» ва «Қорақалпоқ тил ва адабиёти» дарсларида турғун сўз бирикмаларига оид мавзуларнинг мазмунини такомиллаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 илмий-амалий конференцияда, шундан, 6 республика конференцияси, 6 та халқаро конференцияларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 мақола, шундан, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олиб, ҳажми 145 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий ва назарий жиҳатдан муҳимлиги очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фразеологиянинг муҳим масалалари ва бадиий асар тилидаги фраземаларнинг ўрганилиши**» деб номланган биринчи боби икки бўлимдан иборат. Бобнинг «**Тилшуносликда турғун сўз бирикмаларининг тадқиқи**» деб аталган биринчи бўлимида фразеологиянинг муҳим масалалари, фразеологизмларнинг ўрганилиши кенг таҳлил қилинган.

Фразеологик бирикларни ҳар томонлама чуқур тадқиқ этган олим В.В.Виноградов ҳисобланади². У турғун бирикмаларни семантик бирикувчанлиги жиҳатдан фразеологик чатишма, фразеологик бирик ва фразеологик бирикма деб ажратиб ўрганди. Шунинг натижасида ўтган асрнинг 60 йилларида фразеология алоҳида лингвистик фан сифатида шаклланди. Бу давр фразеологизмларни ўрганишнинг классик даври ҳисобланади³. Бундан кейинги даврдаги олимлар фразеологизмларни структур йўналишда ўрганиш доирасидан чиқмаса ҳам фразеологизмларнинг типологияси, кўлами, тадқиқ усуллари каби масалаларга оид уларнинг фикрларида ўзига хослик кўзга ташлана бошлади. Н.Н.Амосованинг концепциясига кўра фразеологизм – идиомалар алоҳида турдаги турғун контекстуал бириклар сифатида қаралади. Бундай турғун контекстуал бирикларни муаллиф тилшуносликда илк маротаба «фразема» термини билан номлайди. В.Л.Архангельский ва А.В.Кунин ишларида структурализм оқими таъсирида, унинг методлари асосида тил фразеологик таркибини алоҳида иерархик босқич, яъни фонетик-фонологик, лексик-семантик, морфологик ва синтактик ярусга кўшимча алоҳида тизим сифатида қарашни тавсия қилади⁴.

Олим Д.Н.Шмелев «Лексикани семантик таҳлил қилиш муаммолари» асарида фақат лексикологияни эмас, фразеология муаммоларини ҳам семасиологик нуқтаи назардан таҳлил қилади⁵. Н.М.Шанский «Ҳозирги рус тилининг фразеологияси» асарида нақл-мақолларни турғун сўз

² Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. (1946); Об основных типах фразеологических единиц в русском языке (1947) //В.В Виноградов. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – Москва, 1977.

³ Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – Москва: Школа «Языки русской культуры», 1996. – С.12

⁴ Архангельский В.Л. О задачах, объектах и разделах русской фразеологии как лингвистической дисциплины. // Проблемы устойчивости и вариативности фразеологических единиц: Материалы межвузовского симпозиума. Вып.2. – Тула, 1972; Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – Москва, 1986.

⁵ Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. – Москва, 1973. – С.9-10.

бирикмаларининг алоҳида бир тури сифатида баҳолаб, уларни «фразеологик сўзлар» деб атайди⁶. Фразеологизмларга фақат структура эмас, балки функционал-семантик муносабатда бўлиш ғояси В.Н.Телия ишларида юзага келди. У «Рус фразеологияси» асарида фразеологиянинг ҳажми ва унинг бирликлари типлари, фразеологизм-идиомаларнинг семантика ва прагматикаси, тилнинг фразеологик таркибидаги бирликларнинг маданий-миллий хусусиятни акс эттириши масалаларини кенг тарзда таҳлил қилади ва фразеологизмларнинг олти тури мавжуд эканлигини аниқлайди: 1)идиомалар; 2)фразеологик бирикмалар; 3)клишелар; 4)штамплар; 5)паремиялар, яъни нақл-мақоллар; 6)қанотли сўзлар⁷. Идиомалар фразеологизмларнинг ядроси ҳисобланиб, турғун сўз бирикмалари орасида ўзининг образлилиги, таъсирчанлиги билан алоҳида ажралиб туради. А.П.Василенко ҳам В.Н.Телия фикрларига асосланиб фразеологизмларни еттинчи тури сифатида турғун ёрдамчи сўзларни кўрсатади ва уларни грамматик фразеологизм деб таҳлил қилади⁸.

Туркий тиллардаги турғун сўз бирикмалари ўрганилган ишларда ҳам шу ҳолат кузатилади. С.Кенгесбаев фразеологизмларни кенг маънода тушунади ва унинг таркибига барча турғун бирикмалар – нақл-мақоллар, идиомалар, жуфт сўзларни киритади⁹. У ўз ишларида фразеологизмларнинг икки тури - нақл-мақоллар ва идиомаларнинг фарқларини аниқлайди. С.Н.Муратов «Туркий тиллардаги турғун сўз бирикмалари» асарида¹⁰ фразеологизмлар таркибига тилда тайёр ҳолда қўлланувчи барча турғун бирикмаларни киритади ва туркий тилларда фразеология атамасини кенг маънода тушунувчи олим сифатида танилди. Татар олими Г.Х.Ахунзянов «Идиомалар» мавзусидаги докторлик диссертациясида идиомаларни икки турга идиома-сўз бирикмалари, идиома- гапларга ажратади. Идиома-гапларга нақл-мақолларни киритади¹¹. Ўзбек олими Ш.Раҳматуллаев номзодлик диссертациясида ўзбек тилидаги образли феъл фразеологизмларнинг асосий грамматик хусусиятларини тадқиқ этган бўлса, «Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари» монографиясида ўзбек тилидаги фраземаларни лексик бирлик сифатида ўрганишга асос солади. Бу ишда фраземалардаги кўп маънолилик, фраземалардаги синонимлик, фраземалардаги антонимлик, фраземалардаги омонимлик, фраземалардаги вариантлилик масалалари янгича қарашда ўрганилди¹². А.Маматовнинг номзодлик диссертациясида¹³

⁶ Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. –Москва, 1968. – С.44.

⁷ Телия В.Н. Русская фразеология Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – Москва, 1996. – С.5.

⁸ Василенко А.П. Аспекты семантики фразеологизмов (на материале русского и французского языков): Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Орёл, 2011. – С.12.

⁹ Кеңесбаев С.И. Қазақ тілі қалыптанған сөз топтары (қос сөздер, идиомдер мен фразалар): Автореф. дисс. ... д-ра. филол. наук. – Алма-ата, 1944.

¹⁰ Муратов С.Н. Устойчивые словосочетания в тюркских языках. – Москва, 1960. – С. 115

¹¹ Ахунзянов Г.Х. Идиомы (исследование на материале татарского языка): Автореф. дисс. ... д-ра. филол. наук. – Казань, 1972. – С.6.

¹² Раҳматуллаев Ш.У. Основны грамматические особенности образных глагольных фразеологических единиц современного узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1952. –С.16; Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент: ФАН, 1966.

инсоннинг эмоционал ҳолатини акс эттирувчи фраземалар бир неча гуруҳларга ажратилиб тадқиқ қилинган. Унинг «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма масалалари» номли докторлик диссертациясида ўзбек тилшунослигида биринчи марта фразеологиянинг тил нормаси ва унинг нутқ маданияти билан алоқаси масалаларини ўрганган¹⁴. Бундан сўнг ўзбек фразеологиясининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган олим профессор Б.Йўлдошевдир. У фразеология масаласини ҳар томонлама ўрганиб, тадқиқот олиб борди¹⁵.

Қорақалпоқ тилшунослигида проф. Е.Бердимуратовнинг «Ҳазирги замон қарақалпоқ тилининг лексикологияси» асарида тилимиздаги турғун сўз бирикмалари тўғрисида маълумот берилиб, унинг тўртинчи тури сифатида фразеологик сўзларни ажратиб кўрсатади. Фразеологик сўзларга нақл-мақолларни киритади¹⁶. Қорақалпоқ тилида Ж.Ешбаевнинг «Қарақалпоқ тилининг қысқаша фразеологиялык сөзлиги»¹⁷, Т.С.Наурызбаеванинг «Фразеологические единицы в каракалпакско-русском словаре»¹⁸, Т.Жумамуратовнинг мактаб ўқувчиларига бағишланган русча–қорақалпоқча қысқача фразеологик луғати¹⁹, Қ.Пахратдинов, Қ.Бекниязовларнинг «Қарақалпоқ тилининг фразеологизмлер сөзлиги» луғати яратилди²⁰. Қорақалпоқ тилшунослигида фразеологизмларни махсус ўрганган олим Г.Айназарова ҳисобланади. Унинг номзодлик диссертациясида қорақалпоқ тилидаги симметрик икки компонентли фразеологизмлар тадқиқ этилган²¹. Сўнгги пайтларда Б.Юсупованинг «Қарақалпоқ тилининг фразеологияси»²² ўқув қўлланмаси эълон қилинди.

Бобнинг иккинчи бўлими «**Бадий асар тилидаги фраземаларнинг ўрганилиши**» деб номланади. Ўзбек тилшунослигида таниқли ёзувчи, шоирлар асарлари ва услубини ўрганишга бағишланган илмий-тадқиқот ишларида фраземаларнинг услубий вазифасини ўрганиш масаласи атрофлича ёритилди.

Бадий асар тилидаги фразеологизмларни ўрганишга ўзбек тилшунослигида алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбек тилшунос олимларидан

¹³ Маматов А.Э. Семантико-стилистические особенности эмоционально-оценочных фразеологических единиц узбекского языка: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Тошкент, 1988.

¹⁴ Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Тошкент, 1991.

¹⁵ Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилда фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Автореф. дисс. ...д-ра. филол. наук – Тошкент, 1993. –Б.50.

¹⁶ Бердимуратов Е. Ҳазирги замон қарақалпоқ тилининг лексикологияси. – Нөкис: Билим, 1968.

¹⁷ Ешбаев Ж. Қарақалпоқ тилининг қысқаша фразеологиялык сөзлиги. – Нөкис: Қарақалпоқстан, 1985.

¹⁸ Наурызбаева С.Т. Типы именных фразеологических единиц каракалпакского языка и их отражение в каракалпакско-русском словаре: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 1967.

¹⁹ Жумамуратов Т. Русско-каракалпакский краткий фразеологический словарь для школьников. – Нукус, 1985.

²⁰ Пахратдинов Қ, Бекниязов Қ. Қарақалпоқ тилининг фразеологизмлер сөзлиги. – Нөкис: Qaraqalpaqstan, 2018.

²¹ Айназарова Г. Симметричные двухкомпонентие фразеологизмы в каракалпакском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Нукус, 2000. Қарақалпоқ тилиндеги теңлес еки компонентли фразеологизмлер. – Нөкис, 2005.

²² Yusupova B. Qaraqalpaq tilinin ' frazeologiyasi'. – Toshkent: Tafakkur qanoti, 2014.

Я.Д.Пинхасова²³, М.Хусаинов²⁴, И.Қўчқортоев²⁵, Э.Умаров²⁶, Б.Юлдашев²⁷, С.Каримов²⁸, Ҳ.Каҳҳорова²⁹, А.Абдусайдов³⁰, Т.Р.Чориевлар³¹ чуқир тадқиқ қилган. Фразеологизмлар бадиий асарда тилининг алоҳида лексик бирикмалари сифатида қўлланилиши кўзга ташланади. Ш.Абдуллаев Т.Қайипбергеновнинг «Қорақалпоқнома», «Қорақалпоқ достони» асарларининг ўзбекча таржимасида фраземалардаги ўзига хос хусусиятлар, турғун бирикмаларни сўз орқали ифодалаш, таржимон томонидан турғун бирикмаларнинг тушириб қолдирилиши натижасида асар мазмунидаги ғализликларни ўрганган³². Қозоқ тилшунослигида Х.Қожахметованинг «Фразеологизмларнинг бадиий адабиётда қўлланилиши» номли монографиясида³³ фразеологик бирикмаларни ўқитиш масалалари, сўз туркумларига муносабати билан бирга бадиий асарларда қўлланилиш хусусиятлари ҳақида сўз юритилган.

Шу билан бирга, мазкур бобда бадиий асарлардаги фразеологизмлар бўйича умумий тилшунослик ва туркий тиллардаги илмий-назарий қарашлар умумлаштирилиб, уларга муносабат билдирилди.

Иккинчи боб «**И.Юсупов асарларида қўлланилган фразеологизмларнинг лексик-семантик хусусиятлари**» деб номланади. И.Юсупов асарларида ишлатилган кўп маъноли фраземалар, синоним, антоним, омоним фраземалар, фраземаларда вариантлик ва соматик фразема масалаларини ўрганиш асосида шоир асарларида қўлланилган турғун сўз бирикмаларининг лексик-семантик хусусиятлари очиқ берилди.

Ушбу бобнинг биринчи бўлими «**Кўп маъноли фраземалар**»ни ўрганишга бағишланган. Тилимизда сўзларнинг кўп маънолилиги янги сўзлар ясалишига, лексикамизнинг луғат бойлигида қўшимча маъноларнинг ривожланишига олиб келади. И.Юсупов асарларида кўп маъноли фраземалар фаол қўлланганлигини кўрамыз. Масалан: Лийкин жетпес мениң сабыр тақатым // *Көз жумып* күн бойы ойға таларға (Өмирзая жулдызы); Қалдырып, *көз жумган* эрманлы ана // Билсе еди өгей шеше қорлығын! (Өмирзая жулдызы); Шымшық аңлайтуғын тарғыл пышық та // Саған мөлел

²³ Пинхасов Я.Д. Фразеологические выражения в языке произведений Хаида Алимджана: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1959.

²⁴ Хусаинов М. Фразеология прозы Айдын: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1960.

²⁵ Кучкартаев И. Фразеологическое новаторство Абдулла Каххара: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1965.

²⁶ Умаров Э. Лексико-грамматическая характеристика фразеологизмов дивана «Хазойин ул-маоний» А.Навий: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ленинград, 1968.

²⁷ Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1979.

²⁸ Каримов С. Язык и стиль произведений Зульфии (на материале поэзии): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982.

²⁹ Каххарова Х. Фразеология Абдулла Кадыри: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985.

³⁰ Абдусайдов А. Газета тилида фразеологизмлар (газета тилини ўрганишга доир материаллар). – Самарканд. СамДУ, 1990.

³¹ Чориев Т.Р. Садриддин Айний публицистик асарларининг тили ва услуби (Лексика ва фразеология): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 2001.

³² Абдуллаев Ш.Д. Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси. (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2006.

³³ Қожахметова Х. Фразеологизмдердиң көркем әдебиетте қолданылыўы. – Алматы, 1972.

бермей *көз жумар* еди. Биринчи мисолдаги *көз жумыў* фраземаси хаёл суриш, яъни ўз маъносида, иккинчи мисолдаги *көз жумыў* фраземаси вафот этмоқ, казо бўлмоқ маъносида, учинчи мисолдаги *көз жумыў* фраземаси кўрса ҳам кўрмагандек эътибор бермаслик маъносини ифодалаган.

Бобнинг иккинчи бўлимида «**Синонимлик фраземалар**» ўрганилган. И.Ю.Супов асарларида ҳам фразеологик синонимлар муайян услубий мақсадларда ўринли қўлланилган. Масалан: Мереке көрмеген кимсе // *Өзин бек санар өзінше* (Беглигинди бузба сен); *Өзин екиннің бири* // Журттан санайды ири (Хўждан монологи). Бу мисоллардаги *өзин екиннің бири* ва *өзин бек санаў* фраземалари маънолари бир-бирига яқин, яъни синоним ҳисобланиб, ўзини одамлардан юқори тутмоқ маъносида қўлланган. Бесте екен Бердақ туўылған жылы // *Өзи үш кемпирдің басына жеткен*. (Сорша); *Ғарғысқа жолығып бәри қалыўсыз* // *Туқымқурт болғай* деп барар тырналар (Тырналар). Мисоллардаги *басына жетиў*, *туқымқурт болыў* – йўқ бўлмоқ маъносидаги яқин фразеологизмлар бўлиб, уларни бирининг ўрнида иккинчисини қўллаб бўлмайди. Услубий жиҳатдан улар бир-биридан фарқ қилади. Демак, бадий сўз устаси синоним фразеологизмларни бадий асарларда қўллашда улар маъноларида умумийлик, яқинлик бўлсада, тасвирланаётган ҳодиса билан боғлиқ ҳолда фразеологик синонимларнинг маъно бўёқларини эътиборга олиб, уларни маҳорат билан танлаб қўллаш орқали воқеанинг энг нозик томонларини ҳам кўрсатишга эришган.

Бобнинг учинчи бўлимида «**Антонимлик фраземалар**» таҳлилга тортилган. Шоир асарларида маъносига кўра қарама-қарши бўлган антоним фраземалар ҳам учрайди. Масалан: Көп болғанбыз сениң журтларында // *Хўрметине бир бас ийейик*. (Саў бол Татарстан). Жамай жаўы бирақта сонда // *Қурал таслап, иймеди басын* (Еки дўнья). Келтирилган мисолларда «*басын ийиў*» ва «*басын иймеў*» фраземалари антонимик муносабатда феълнинг бўлишли ва бўлишсиз шаклида ишлатилган. Ёки қуйидаги мисраларда: *Кеўил деген кеңейсе* // *Кең сарайдың өзи ол* // *Кеўил қурғыр тарайса* // *Бир тебеннің көзи ол* антоним фраземалар қўлланилган. Бунда шоир кўнгил кенгайиши ва торайиши маъносида антоним фраземалардан моҳирона фойдаланган. Яна бир шеър мисраларида: *Гей бир сыншы аўыл көрсе, қала деп* // «*Надурьс*» *десең, жаны шығар «жала» деп* (Сын керек); *Шөл тамырын қытықлап жан ендирген* // *Жанға канал суўларындай сылдыра* (Жыр ураны). Келтирилган мисолларда «*жаны шығыў*» ва «*жан ендириў*» фраземалари антонимик маъносида қўлланилган. Шоирнинг қуйидаги мисраларида ҳам антоним фраземалар берилган: *Дурьс айырыў ушын қараны, ақты* // *Илгир зейин сыншы керек, сын керек*. Берилган мисолда адабий тилдаги «*ақ, қараны айырыў*» фраземаси қўлланган. Бу фраземанинг асосий маъноси яхши-ёмонни ажратмоқ маъносини ифодалаган, яъни фразема таркибида антоним сўзлар ишлатилган.

Бобнинг тўртинчи бўлимида «**Омонимлик фраземалар**» аниқланган. Шоир асарларида омоним фраземалар ҳам қўлланилган. Масалан: «*көзин ашыў*» фраземасини олиб кўрайлик. У I маъносида – ўзига келмоқ ёки уйқудан уйғонмоқ; II маъноси - туғилмоқ, дунёга келмоқ; III маъноси – оқ-

корани ажратмоқ ёки хаёт ташвишларидан кўзи очилмоқ маъноларида қўлланилади. Масалан: Билим берип көзин ашқан бираздың // Хўрметине алғыс болсын устаздың (Жолдас муғаллим); Муздай тийер хәр айтқан сөзин // Оҳо, ашылынты гоӣ бул гаплет көзиң (Актрисаның ығбалы); Мисоллардан кўриниб турганидек, шоир бу фраземани бир неча омонимик маъноларда қўллаганлигининг гувоҳи бўламиз. Тилимизда «мийин жеў» эркин сўз бирикмаси сифатида «геллениң мийин жеў, ас мәнисин» англатса, «мийин жеў», «мийин тесиў» омоним фразема сифатида «кўп гапирмоқ, безорини чиқармоқ» маносини англатади: «Бәйбише ғарғысы тести мийимди // Бул зарлы заманнан кештим мен бүгин» (Жолдас муғаллим).

Ушбу бобнинг бешинчи бўлимида «**Фраземаларда вариантлик**» масаласи ўрганилган. Шоир тилидаги фраземалар ўртасида вариантлашиш ҳодисаси учрайди. Масалан: Кел муртымды үйкеп муртларына // Баўырыма басып сүйейин // Баўырына тартып жүрип-ақ // Адамлар жаяр уўын (Дәўир самаллары). Бу мисолларда «баўырына басыў» ва «баўырына тартыў» каби фразеологик вариантлар берилган. Фраземалар маънолари бир-бирига яқин сўзлар ёрдамида вариантлашиб келиши мумкин. Масалан: Ангөдек ер гейне таўып қайдағы // Телпегин терис кийип, ийт болып қабар деган мисрада «телпегин терис кийип» тарзида қўлланилган. Қорақалпоқ тилидаги «Тонын терис кийиў» фраземаси таркибидаги «тон» сўзини «телпек» сўзи билан алмаштириб, фразеологик вариантлик ҳосил қилганлигини кузатамиз. Шоир асарларида эллипсис вариантдаги фраземалар ҳам учрайди. Масалан: Бирақ, бир күн басқа ис түсер болар // Қайғы булты қабағыңнан арылмай (Жақсы адамлар). Улыс айырғы болсаң, улыс жақтырмас // Ис түскенде хызметине тақ турмас (Төртликлер).

Мазкур бобнинг олтинчи бўлимида «**Соматик фраземалар**» таҳлил қилинган. Шоир ўз шеърларида инсоннинг ҳар хил турмуш шароити, ҳаракатларини тасвирлашда соматик фраземалардан фойдаланади. Масалан: Қосық – теңиз, болсам балық // Ис буйырса сиздей халық // Аяғымды қолға алып // Басым менен жумалайман. (Сен дегенде...) Келтирилган мисолда «аяқ», «қол», «бас» сўзлари асосида шаклланган «аяғын қолға алыў, басы менен жумалаў» шаклида бирикиб келиши орқали инсоннинг халқ хизматыга тайёр эканлиги маъносида услубий қўлланилган. Йиғилган материаллар асосида соматик фраземаларнинг бир неча турлари ўрганилган. Манманлик, менсимаслик маъносидаги фраземалар: Мурны аспанда, кеўли айларда болды // Дәўири шым-шытырық болған шөгирме (Шөгирме); хурмат қилмоқ, сийламоқ маъносидаги фраземалар: Арыў хаял қарсысында // Дизе бүгин, басын ийген (Тилек).

Диссертациянинг учинчи боби «**И.Юсупов асарларидаги фраземаларнинг услубий хусусиятлари**» деб номланади. Бу боб уч бўлимдан иборат. Биринчи «**Фраземаларнинг услубга кўра фарқланиши**» бўлимида шоир асарларида қўлланилган сўзлашув тили ва китобий фраземалар таҳлил қилинган. Сўзлашув тили фраземалари – турғун сўз бирикмаларининг кўпчилиги сўзлашув тили фраземалари ҳисобланади. Шоирнинг «Ғыйбаткештиң бас ушындағы жазыў» шеърисида: «Бул «домалақ

арза» жазса, қорқыңлар // Дөхметинен көплер урылып кетти // Қоңсы қабирлерде жатқан мархұмлар // Бул барған соң қорқып тирилип кетти» деб ёзади. Бу мисолдаги «домалақ арза» - муаллифи кўрсатилмасдан юкори ташкилотларга ёзиладиган аризани халқ «домалақ арза» деб атайди. Ушбу мисолдаги «урылып кетти» фраземаси хам ноҳакдан ишдан бўшади маъносини билдириб келмоқда. Шоир асарларида сўзлашув тили фраземалари таркибида жайдари фраземалар учрайди: *Болган сайын болсам дерсең // Жыйган сайын жыйсам дерсең // Ақырында опық жерсең // Көкирегиң қайтар дизден* (Мәмелек ой). Бу мисолдаги «*опық жей*» жайдари фразема бўлиб, «ўкинмоқ, пушаймон бўлмоқ» маъносини англатади.

Расмий иш қоғозлар, публицистик услубдан олинган цитата сифатида қўлланилган фраземалар фикрни қисқа ифодалаш, ихчамлаштириш воситаси вазифасини бажаради. Шоир «Президент» шеърида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти томонидан таъкидланган «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» шиоридан мохирона фойдаланган: *Жаңа эўлад сыйлап, алғайлар ядға // Тәңирим бәрха нурлы нәзерин салғай // Сизден – бизден сол ертеңги эўладқа // Азат ҳам де абат бир Ўатан қалғай*. И.Юсупов ўз ижодида олдин яшаб ўтган бадий сўз усталари яратган доно сўзлар ва афоризмларни ўз шеърларида қўллайди. Ажиниёз бобомизнинг «*Әлип қәддим далдек болып бүгилди*» мисралари «Гедейлик» номли шеърида «*Дүнья қуўып жаслай қәддиң дал болып, Заманың алдында тилиң пал болып*» тарзида ишлатилган. Шоир бир тўртлигида «Монамахтың бөрки» фраземасининг ички шаклини ўзгартириб қўллайди: *Саған қарап көплер «үлкейген хәз» дер // Биразлар бийликти етеди хәўес // «Монамахтың бөркин» кийиўди гәзлер // Оның аўыр кийим екенин билмес (Секретарь)*. Манбаларда келтирилишича, Владимир Монамах рус князлиги тахтига ўтирмоқчи бўлган пайтда Византия императори томонидан совға қилинган қимматбаҳо тошлар билан безатилган бўрк тож сифатида бошига кийдирилган. Бу бўркнинг оғирлиги 950 грамм атрофида бўлган. Мана шу бўрк ундан кейинги даврларда тахт тепасига чиққан барча рус князларини тахтга ўтирғизиш пайти – коронация жараёнида кийдириш дастури шаклланган. Бўрк тантанали маросимда фақат бир маротаба кийилган, бўркни кийиш орқали шу князликнинг барча масъулиятини, катта вазифани бўйнига олиши расмий тан олинган. И.Юсупов Монамахнинг бўрки тўғрисидаги маълумотни ушбу тўртлигида амалга ўтиришнинг масъулияти маъносида қўллаган. Бу эса юкори лавозимда ишлаш қанчалик даражада қийин эканлигини сезса ҳам ҳар бир одам амал курсисида бир марта бўлсада ўтиришни хохлаши ҳақидаги тушунчани беради.

Бобнинг иккинчи бўлими «**Фраземаларнинг узул услубий хизматлар**» деб аталади. Биз бу бобда фраземаларни узул ва окказионал хизматларга ажиратиб классификация қилишда Б.Йўлдашевнинг фраземаларни структуравий жиҳатдан бўлиши асос қилиб олинди³⁴. Бунда қорақалпақ тилидаги фраземаларнинг услубий қўлланилишга ва шоир

³⁴ Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари:–Тошкент, 2013, -Б.261

асарларида фраземаларнинг ҳар қил услубий хизматларига кўра ҳам ажиратилди. Бунда фраземалар шоир поэзиясинда бир қанча узуал услубий хизматларда келиши аниқланди ва шоир асарларидан олинган мисоллар билан далилланди. И.Юсупов асарларида фраземаларнинг узуал услубий хизматлари бир неча гуруҳларга ажратиб ўрганилди. Улар қуйидагилар:

